

Республика Маънавият ва маърифат маркази,  
Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,  
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик  
хизмати, Миллий гвардия, Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси, Фанлар академияси Тарих институти,  
Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари  
уюшмасининг 2022 йил 24 октябрдаги Қўшима қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қўшин  
турларидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчилар, ҳаваскор ва  
профессионал ижодкорлар ўртасида “Қўшинлар мадҳияси”  
танловини ўтказиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар:**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қўшин турларидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчилар, ҳаваскор ва профессионал ижодкорлар ўртасида “Қўшинлар мадҳияси” танлови (*кейинги ўринларда – Танлов деб юритилади*)ни ташкил этиш ва ўтказишни белгилайди.

1.2. Танлов Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларининг ахлоқий-рухий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш, турли мураккаб ва оғир вазиятларга нисбатан руҳий бардошлилигини, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш орқали миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва қудратини кучайтириш мақсадида **“Юксак жанговар руҳ – аскарнинг енгилмас кучи, армиянинг қудратидир!”** деган концептуал ғоя асосида ўтказилмоқда.

1.3. Мазкур Низом шартларига кўра танловда ҳарбий хизматчилар, 18 ва ундан юқори ёшдаги ҳаваскор ва профессионал ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

**II. Танловнинг мақсади ва вазифалари:**

2.1. Танловнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳарбий хизматчиларда миллий ғурур ва маънавий фазилатларга таянадиган барқарор ахлоқий-рухий ҳолатни таъминлаш, мураккаб вазиятларга нисбатан бардошлилигни, юксак жанговар руҳни тарбиялаш ҳамда уларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш;
- ҳарбий хизматчиларда миллий руҳга асосланган юксак маънавий, ахлоқий-рухий ва психологик сифатларни, миллий ғурур ва жанговар руҳни янада кучайтириш;

- ҳарбий хизматчиларни Ватанга муҳаббат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, миллий ўзлигимизни англатишга қаратилган, мардлик ва матонатни мадҳ этувчи миллий армиямизга ғуур ҳиссини уйғотувчи ҳарбий хизматнинг нуфузини оширувчи ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги қўшинлар мадҳиясини яратиш;
- ҳарбий хизматчилар орасида қўшинлар мадҳиясини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш.

### **III. Танловнинг ташкилий қўмитаси:**

- 3.1. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамкор вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланади;
- 3.2. Ташкилий қўмита танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни бошқаради;
- 4.3. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси танловнинг ижрочи ташкилотчилари ҳисобланади.

### **IV. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари:**

- 4.1. Танлов **2 босқич 10 та йўналишда** (вилоят ва республика) ўтказилади ва ҳар бир босқич учун ҳамкор вазирлик ва идоралар томонидан Ишчи гурух тузилиб, танлов юқори савияда ўтказилади.

Танлов қуйидаги:

“Мотоўқчи қўшинлари” йўналиши;  
“Танкчилар қўшинлари” йўналиши;  
“Ҳаво-десант қўшинлари” йўналиши;  
“Артиллерия қўшинлари” йўналиши;  
“Ҳарбий ҳаво қучлари” йўналиши;  
“Махсус операция қучлари” йўналиши;  
“Разведка қўшинлари” йўналиши;  
“Алоқа қўшинлари” йўналиши;  
“Қоровул қўшинлари” йўналиши;  
“Чегара қўшинлари” йўналишларидан иборат.

Танлов қуйидаги 2 босқичдан иборат:

**1-босқич** (вилоят) 2022 йилнинг 25 октябридан 15 декабрь санасига қадар ўтказилади. Танловда иштирок этиш истагани билдирган номзодлардан аризалар Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлимларида тузилган Ишчи гурух томонидан қабул қилинади.

Танловга қабул қилинган мадҳия Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Натижаларга кўра ҳар бир йўналишдан факат 1-ўринни қўлга киритган иштирокчилар республика босқичида иштирок этади.

**2-босқич** (республика) Танловнинг Республика босқичи 2022 йил 15 декабрдан 2023 йил 10 январга қадар ўтказилади.

Танловнинг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар республика босқичида иштирок этади ва баҳолаш натижаларига кўра ҳар бир йўналишдан факат 1-ўринни қўлга киритган иштирокчилар ғолиб деб топилади.

Танлов ғолиблари 2023 йил **14 январь – “Ватан ҳимоячилари куни”** арафасида эълон қилиниб, тантанали тарзда тақдирланади.

## **V. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар:**

5.1. Номзодларга қўйидаги талаблар қўйилади:

Танлов иштирокчисининг ижоди аввал оммага эълон қилинмаган бўлиши;

Мадҳия ижроси 3-4 дақиқа оралиғида бўлиши;

Иштирокчилар мадҳияни жонли (муsicадан фонограмма орқали фойдаланиш мумкин) ижро этиши;

Мадҳияларни яратишда қўшин туридан келиб чиқиб ёндашиши;

Жанговар рух, тантанавор оҳангни ўзида мужассам этганлиги;

Миллий армиямизга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғусини уйғота олиши талаб этилади.

Бир нафар иштирокчи фақат битта йўналишда иштирок этиши мумкин.

## **VI. Баҳолаш мезонлари**

6.1. Танлов қўйидаги шартлар асосида баҳоланади:

Мадҳиянинг Низом талабларига мослиги – **20 балл**;

Мадҳиянинг мазмундорлиги ва таъсирчанлиги – **20 балл**;

Қўшин туридан келиб чиқиб етарли даражада ёритилганлиги – **20 балл**;

Миллий армиямизга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғусини уйғота олиши – **20 балл**;

Мадҳияда шеър матни, мазмуни, кўй билан ҳамоҳанглиги ҳамда ижро маҳорати – **20 балл**.

Танлов шартлари бўйича энг юқори баҳоланиш – **100 балл**.

## **VII. Ҳакамлар ҳайъати таркиби:**

7.1. Голибларни аниқлаш бўйича Ҳакамлар ҳайъати ижодкор зиёлилар ҳамда ҳамкор вазирлик ва идоралар вакилларидан тузилади.

## **VIII. Яқунловчи қоидалар:**

8.1. Ҳакамлар ҳайъати ушбу Низомга мувофиқ танловда иштирок этадиган ижодкорларнинг ижод намуналарини холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.